

ТАВРОТ



ISBN: 978-5-93943-120-0

© Таржима, сўз боши, изоҳлар, луғат, сураглар ва безаклар.
Муқаддас китобни таржима қилиш институти, 2008.

Юсуф ака–укаларига. “Лекин Худо сизларни кузатиб туради, сизларни бу юртдан олиб чиқиб, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга бераман, деб қасам ичган юртга қайтариб олиб боради.” (50:24)

Дунёнинг яратилиш тарихи

1 ¹Худо азалда осмон билан ерни яратди^а. ²Ер айқаш–уйқаш бўлиб, тубсиз денгизлар устини зулмат қоплаган эди. Худонинг руҳи сувлар узра юрарди^б.

³Худо: “Ёруғлик бўлсин”, деб амр берган эди, ёруғлик пайдо бўлди. ⁴Худо ёруғликнинг ажойиб эканини кўриб, ёруғликни қоронғуликдан ажратди. ⁵Худо ёруғликни кундуз, қоронғуликни тун, деб атади. Кеч кириб, тонг отди^с. Биринчи кун ўтди.

⁶Шунда Худо: “Сувларни бир–биридан ажратиб турадиган гумбаз пайдо бўлсин”, деб амр қилди. ⁷Шундай ҳам бўлди: Худо гумбазни яратиб, гумбазнинг остидаги сувлардан гумбаз устидаги сувларни ажратди^д. ⁸Худо гумбазга осмон, деб ном берди. Кеч кириб, тонг отди. Иккинчи кун ўтди.

^а **1:1** *Худо азалда осмон билан ерни яратди* — бу оят яратилиш ҳикоясининг кириш қисмидир. Ушбу китобнинг 3-31–оятларида баён этилган Худонинг олти кун давомидаги яратиш фаолияти бу оятда қисқа хулоса қилиб берилган. Ибронийчадаги *осмон билан ер жумласи* бутун дунёни ва ундаги барча борлиқни билдиради.

^б **1:2** *Ер айқаш–уйқаш бўлиб...Худонинг руҳи сувлар узра юрарди* — Худо шу бобнинг 3–оятда гапиришни бошлаганда, дунёнинг аҳволи қандайлиги мана шу оятда тасвирланган. Мазкур бобнинг 3-31–оятларида Худо дунёга шакл ва ҳаёт берганлиги ҳақида сўз юритилади.

^с **1:5** *Кеч кириб, тонг отди* — қоронғулик (тун) ва ёруғлик (кун) вақтига ишора қилувчи шеърий жумла. Қадимги Исроилда кун кеч кирганда бошланиб, кейинги куннинг кеч пайтигача давом этар эди, шундай экан, бу жумла тўлиқ кун ўтганини билдиради. Бу жумла яна шу бобнинг 8, 13, 19, 23 ва 31–оятларида ишлатилган.

^д **1:7** *...гумбазни яратиб, гумбазнинг остидаги сувлардан гумбаз устидаги сувларни ажратди* — Қадимги Исроил халқининг тасаввурига кўра, осмон улкан шиша гумбазга ўхшар эди, бу гумбаз осмондаги сувларни ушлаб турарди. Гумбаз остидаги сувлар бу оятда ер сатҳини қоплаб турган буюк денгиз сувларини билдиради (шу бобнинг 2–оятга қаранг).



⁹ Кейин Худо: “Осмон остидаги сувлар бир жойга тўпланиб, қуруқ ер пайдо бўлсин”, деб амр қилди. Шундай ҳам бўлди. ¹⁰ Худо қуруқликка ер, деб ном берди. Бир жойга йиғилган сувларни эса денгизлар, деб атади. Худо бунинг ажойиб эканини кўрди.

¹¹ Сўнгра Худо шундай амр берди: “Ерда ўт–ўлан кўкарсин. Дон берадиган ҳар хил ўсимликлар, ичида данаги бор ҳар хил мевали дарахтлар ўссин.” Шундай ҳам бўлди. ¹² Ерда ўт–ўлан кўкарди, дон берадиган ҳар хил ўсимликлар, ичида данаги бор ҳар хил мевали дарахтлар ўсди. Худо буларнинг ҳам ажойиб эканини кўрди. ¹³ Кеч кириб, тонг отди. Учинчи кун ўтди.

¹⁴ Кейин Худо шундай амр қилди: “Қундузни тундан ажратиш учун осмон гумбазида ёритқичлар пайдо бўлсин. Булар кунларнинг, йилларнинг, нишонланадиган байрамларнинг^а вақтини кўрсатсин. ¹⁵ Бу ёритқичлар осмон гумбазида нур сочиб, ерга ёруғлик берсин.” Шундай ҳам бўлди. ¹⁶ Худо иккита катта ёритқични — қуёш ва ойни яратди: кундузи нур сочиб туриши учун каттароқ ёритқич — қуёшни, тунда нур сочиб туриши учун кичикроғи — ойни яратди. Шунингдек, Худо юлдузларни ҳам яратди. ¹⁷⁻¹⁸ Бу ёритқичлар ерга ёруғлик берсин, кундуз ва тун устидан ҳукмронлик қилсин, ёруғликни қоронғуликдан ажратиб турсин, деб Худо буларни осмон гумбазига жойлаштирди. Худо бунинг ажойиб эканини кўрди. ¹⁹ Кеч кириб, тонг отди. Тўртинчи кун ўтди.

²⁰ Кейин Худо шундай амр берди: “Сув ҳар хил тирик жониворлар билан тўлиб–тошсин, қушлар пайдо бўлиб, ҳавода парвоз қилсин.” ²¹ Шундай қилиб, Худо баҳайбат денгиз махлуқларини ва сувда сузувчи турли–туман жониворларни, ҳар турли қушларни яратди. Худо бунинг ҳам ажойиб эканини кўрди. ²² Шунда Худо буларнинг ҳаммасига марҳамат кўрсатиб деди: “Балиқлар серпушт бўлиб, кўпайсин, денгизлар балиқлар билан тўлиб–тошсин. Ер узра қушлар кўпайсин.” ²³ Кеч кириб, тонг отди. Бешинчи кун ўтди.

^а 1:14 нишонланадиган байрамлар — ёки фасллар.



²⁴ Сўнгра Худо: “Ер турли–туман жонзотларни — чорвани, судралиб юрувчи жониворларни^a, ҳар турли ёввойи ҳайвонларни пайдо қилсин”, деб амр қилди. Шундай ҳам бўлди. ²⁵ Худо ҳар турли ёввойи ҳайвонларни, чорванинг ҳар хил турларини, ер юзида судралиб юрувчи жониворларнинг ва ҳашаротларнинг ҳар хил турларини яратди. Худо бунинг ажойиб эканини кўрди.

²⁶ Кейин Худо шундай деди: “Энди инсон зотини яратайлик, улар Ўз суратимиздай, Ўзимизга ўхшаган^b бўлсин. Инсон зоти денгиздаги балиқлар устидан, ҳаводаги қушлар, ер юзидаги чорва ҳамда жамики ёввойи ҳайвонлар^c, ерда судралиб юрувчи ҳар қандай жонивор ва ҳашаротлар устидан ҳукмронлик қилсин.”

²⁷ Шундай қилиб,

Худо Ўз суратидай қилиб яратди инсон зотини.

Эркага аёл қилиб яратди уларни.

²⁸ Худо инсонларга марҳамат кўрсатиб, айтди: “Баракали бўлиб, кўпайинглар, ер юзини тўлдириб, итоат этиринглар, денгиздаги балиқлар устидан, ҳаводаги қушлару ер юзида яшовчи ҳар турли жониворлар устидан ҳукмронлик қилинглар.” ²⁹ Худо яна айтди: “Мана, сизларга бутун ер юзидаги ҳар хил донли ўсимликларни ва мевали дарахтларни бердим. Сизлар булардан егулик учун фойдаланасизлар. ³⁰ Ер юзидаги жамики тирик жонзотларга — ҳамма ҳайвонларга,

^a 1:24 *судралиб юрувчи жониворлар* — шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси — ерда судралиб юрадиган ва ер остига уя қуриб яшайдиган майда ҳайвонлар, судралиб юрувчилар ва ҳашаротлар.

^b 1:26 *...яратайлик...суратимиздай...Ўзимизга ўхшаган...* — Эски Аҳдда самовий мавжудотлар ҳақида бир неча марта сўз юритилган. Улар Худонинг тахти атрофида йиғиладилар (мисол учун, “3 Шоҳлар” 22:19-22 га қаранг). Бу оятда Худо самовий Шоҳ сифатида тасвирланган. У Ўзининг самодаги яқинларига инсон зотини яратмоқчи эканлигини эълон қилмоқда. Худо самовий мавжудотларни Ўз ишига шерик бўлиб, ишини томоша қилишларини ва Уни улуглашларини таклиф қилмоқда. Шу йўл билан матнда инсоният яратилишининг муҳимлигига урғу берилган. Инсон зотининг яратилиши яралиш ҳиқоясининг чўққиси ҳисобланади. Худо яратган бошқа нарсаларга қараганда одам аққол ажралиб туради. Зотан, одамни Худо Ўз суратидай, Ўзига ўхшаш қилиб яратган.

^c 1:26 *...ер юзидаги чорва ҳамда жамики ёввойи ҳайвонлар...* — Қадимий сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *чорва, бутун ер юзи.*



хамма қушларга емиш қилиб кўк ўт–ўланни бердим.” Шундай ҳам бўлди. ³¹ Худо Ўзи яратган ҳамма нарсага назар солди. Булар жуда ажойиб эди. Кеч кириб, тонг отди. Олтинчи кун ўтди.

2¹ Шундай қилиб, осмон билан ер ҳамда улардаги жамики нарсалар яратилди. ² Еттинчи кун бошлангунча, Худо ҳамма ишларини битириб бўлди ва еттинчи куни тинди. ³ Худо еттинчи куни барча яратиш ишларидан тингани учун, бу кунни муборак қилиб, муқаддас, деб бошқа кунлардан ажратди.

⁴ Осмон билан ернинг ^a яратилиши ана шулардан иборатдир.

Адан боғи

Парвардигор Эгамиз осмон билан ерни яратган пайтда ⁵ ер юзидан на бирон ўт, на бирон гиёҳ унган эди. Чунки Парвардигор Эгамиз ҳали ерга ёмғир ёғдирмаган, ерга ишлов берадиган бирон кимса яратмаган эди. ⁶ Лекин ер остидан сув чиқиб^b, бутун ер юзини суғорарди. ⁷ Шундан кейин Парвардигор Эгамиз ернинг тупроғидан одамни^c ясади ва унинг бурун тешигидан пуфлаб, жон ато этди. Шундай қилиб, одам тирик жон бўлди. ⁸ Парвардигор Эгамиз шарқда — Адан деган жойда боғ барпо қилиб, Ўзи яратган одамни ўша боққа қўйди. ⁹ Кейин Парвардигор Эгамиз ердан чиройли, лаззатли мева берадиган ҳар хил дарахтларни ўстирди. Боғнинг ўртасига ҳаёт ато этувчи дарахтни ва яхшилик билан ёмонликни билиш дарахтини қўйди.

¹⁰ Адандан бир дарё оқиб келиб, боғни суғоради ва ўша ерда тўртта ирмоққа бўлинади. ¹¹ Биринчи ирмоқнинг номи Пишон бўлиб, бутун Хавила ери бўйлаб оқади. Бу жойда олтин бор. ¹² Ўша ернинг олтини жуда ҳам тозадир. У ерда марварид^d ва ақиқ тошлар ҳам бор. ¹³ Иккинчи ирмоқнинг номи Гихўн бўлиб, бутун Куш^e ери бўйлаб оқади. ¹⁴ Учинчи ирмоқнинг номи Дажла

^a **2:4** Осмон билан ер — 1:1 изоҳига қаранг.

^b **2:6** ...сув чиқиб... — ёки *буз кўтарилиб*.

^c **2:7** одам — ибронийча матндаги одам (*адам*) ва тупроқ (*адама*) сўзлари оҳангдошдир.

^d **2:12** марварид — ёки *хушбўй елим*.

^e **2:13** Куш — ибронийча матнда Куш сўзи одатда Мисрнинг жанубида жойлашган ерларни билдиради, бу ерлар ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди. Бироқ бу оятда ҳозирги Эроннинг ғарбидаги ерлар назарда тутилган бўлса керак.



бўлиб, Оссурия шахрининг шарқидан оқиб ўтади. Тўртинчи ирмоқнинг номи Фуротдир.

¹⁵ Шундай қилиб, Парвардигор Эгамиз, бу одам боққа ишлов берсин, парвариш қилсин, деб уни Адан боғига жойлаштирди.

¹⁶ Парвардигор Эгамиз унга шундай амр қилди: “Сен боғдаги ҳамма дарахтнинг мевасидан бемалол тановул қилавер. ¹⁷ Лекин яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтининг мевасидан емайсан, ундан ейишинг биланоқ, шубҳасиз, ўласан.”

¹⁸ Сўнгра Парвардигор Эгамиз: “Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, унга муносиб шерик яратаман”, деди. ¹⁹ Шундай қилиб, Парвардигор Эгамиз тупроқдан ҳар хил ҳайвонларни ва ҳар хил қушларни яратди. Худо: “Бу жониворларни одам кўриб қанақа ном бераркин”, дея уларни одамнинг олдига олиб келди. Одам ҳар бир жонивор учун ном танлади. ²⁰ Одам ҳамма чорвага, қушларга ва ёввойи ҳайвонларга ном берди. Лекин ҳамон унга муносиб шерик йўқ эди. ²¹ Шу боисдан Парвардигор Эгамиз одамни қаттиқ ухлатиб қўйди. Одам ухлаб ётганда, Худо унинг қовурғасидан биттасини олди ва қовурғанинг ўрнига эт қоплади. ²² Парвардигор Эгамиз одамнинг қовурғасидан хотин кишини яратди ва уни одамнинг олдига олиб келди. ²³ Шунда одам айтди:

“Ниҳоят, бу менинг суяқларимдан пайдо бўлган суяқдир,
Менинг этимдан яралган этдир.

У Хотин, деб аталгай,

Чунки у эркақдан^а яратилгандир.”

²⁴ Шунинг учун эркақ киши ота–онасидан бошқа бўлиб чиқиб, хотинига боғланиб қолади, иккаласи бир тан бўладилар.

²⁵ Одам билан хотини қип–яланғоч юрардилар, бир–бирларидан уялиш ҳиссини сезмасдилар.

Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилади

З¹ Парвардигор Эгамиз ҳамма ёввойи ҳайвонларни ҳам яратган эди. Ўша ҳайвонлар орасида анча айёри илон эди. Илон хотиндан:

— Ҳақиқатан ҳам Худо, боғдаги биронта дарахтнинг мевасидан еманглар, деб айтдимиз? — деб сўради.

² Хотин илонга:

^а 2:23 ...Хотин...эркакдан... — Ибронийча матндаги хотин (*иша*) ва эркақ (*иш*) сўзлари оҳангдошдир.



— Йўғ-э, биз боғдаги ҳамма дарахтларнинг мевасидан ейишимиз мумкин, — деб жавоб берди. ³— Лекин Худо, боғ ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, тегманглар ҳам, есаларингиз ўласизлар, деб айтган.

⁴Илон эса хотинга:

— Йўк, ўлмайсизлар, — деди. ⁵— Чунки Худо биладики, сизлар бу мевалардан есаларингиз, кўзларингиз очилиб, сизлар ҳам барча яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб, Худого^a ўхшаб қоласизлар.

⁶Хотин қарасаки, ўша дарахт кўзга чиройли кўринади, мевалари жуда ейишли экан. Хотин: “Қани, энди мевалар менга донолик ато қилсайди”, деб орзу қилди. У дарахтнинг мевасидан олиб еди, кейин ёнида турган эрига ҳам берди. Эри ҳам еди. ⁷Ўша заҳоти икковининг ҳам кўзлари очилиб, улар яланғоч эканликларини англаб етдилар, анжир барглари сонлари атрофига тизиб, ўзларига ёпинчиқ ясадилар.

⁸Оқшом пайти шабада эсиб турганда, иккови боғда Парвардигор Эгамизнинг юрганини билди. Одам ва хотини Парвардигор Эгамизнинг назаридан қочиб, боғдаги дарахтлар орасига яшириндилар. ⁹Парвардигор Эгамиз: “Қаердасан, эй, одам?” деб чақирди. ¹⁰Одам:

— Мен боғда юрганингни билдим-у, яланғоч бўлганим учун қўрқиб, яшириндим, — деди.

¹¹— Яланғоч эканингни сенга ким айтди? — деб сўради Худо. — Мен, еманглар, деб амр этган дарахтнинг мевасидан едингми?

¹²Одам жавоб берди:

— Ўзинг менга берган хотин ўша дарахтнинг мевасидан менга олиб келган эди, мен ҳам едим.

¹³Шунда Парвардигор Эгамиз хотинга:

— Бу нима қилганинг? — деди.

— Илон мени алдади, мен мевадан едим, — деди хотин.

Худо ҳукм қилади

¹⁴Парвардигор Эгамиз илонга шундай деди:

“Шу қилмишларинг учун

Лаънати бўлгайсан барча жонзотлар орасида

^a 3:5 Худо — ёки худолар ёхуд шлоҳий мавжудотлар (шу бобнинг 22-оят ва ўша оятдаги изоҳга қаранг).



Ва жамики ёввойи ҳайвонлар орасида.
 Қорнинг билан судралиб юргайсан,
 Умринг бўйи тупроқ егайсан.

- ¹⁵ Душманлик пайдо қиламан сен билан хотин ўртасида,
 Сенинг уруғинг билан унинг уруғи орасида.
 Унинг уруғи эзиб ташлайди сенинг бошингни,
 Сен чақиб оласан унинг товонини.”

- ¹⁶ Хотинга эса шундай деди:

“Ҳомиладорлигингда ғоят азоб бераман,
 Машаққат ила бола туғасан.
 Аммо эрингни қўмсайверасан,
 Эринг эса ҳоким бўлади сенинг устингдан.”

- ¹⁷ Парвардигор Эгамиз одамга шундай деди:

“Хотинингнинг гапига кирганинг учун,
 Мен, ема, деб тақиқлаган мевани еганинг учун,
 Сен туфайли ерни лаънати қилдим.
 Бутун умринг бўйи тимдалаб ерни,
 Ердан ўтказасан тирикчилигингни.

- ¹⁸ Ернинг ҳосили емишинг бўлса ҳам,
 Ер сен учун тиканлару қушқўнмас^а ўстиради.

- ¹⁹ Сен тупроқдан яралгансан,
 То тупроққа қайтгунингга қадар,
 Пешона теринг билан нон ейсан.
 Зеро, сен тупроқдирсан
 Ва тупроққа қайтасан.”

²⁰ Хотин жамики инсонларнинг онаси бўлгани учун, Одам Ато^б унга Момо Ҳаво^с, деб исм берди. ²¹ Одам Ато ва унинг хотини учун Парвардигор Эгамиз теридан кийим-кечак ясаб, уларни кийинтириб қўйди.

^а **3:18** қушқўнмас — майда тиканли ёввойи ўт.

^б **3:20** Одам Ато — ибронийча матнда одам. Ибронийча матнда одам ва Одам Ато учун бир сўз ишлатилган. Бу оятдан бошлаб матнда бу сўз Одам Атога нисбатан ишлатилганда исм сифатида таржима қилинган.

^с **3:20** Момо Ҳаво — бу исм ибронийчадаги *тириклар* сўзига оҳангдош. Бу таржимада шу ибронийча сўз *инсонлар* деб таржима қилинган.

